

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ  
НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ**

**ЖУРАҚУЛОВ АЛИШЕР РУСТАМОВИЧ**

**УРАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОГЕН ОБЪЕКТЛАРИНИНГ  
ЭКОЛОГИК МОНИТОРИНГИ**

**01.04.01 – Экспериментал физиканинг асбоблари ва усуллари**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата  
диссертации доктора философии ((PhD) по техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract  
the doctor of philosophy (PhD) on technical sciences**

**Журакулов Алишер Рустамович**

Уран ишлаб чиқариш техноген объектларининг экологик  
мониторинги..... 3

**Журакулов Алишер Рустамович**

Экологический мониторинг техногенных объектов уранового  
производства..... 23

**Jurakulov Alisher Rustamovich**

Environmental monitoring of technogenic objects of uranium  
production..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 46

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ  
НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ**

**ЖУРАҚУЛОВ АЛИШЕР РУСТАМОВИЧ**

**УРАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОГЕН ОБЪЕКТЛАРИНИНГ  
ЭКОЛОГИК МОНИТОРИНГИ**

**01.04.01 – Экспериментал физиканинг асбоблари ва усуллари**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/T1500 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Ўз ФА Ядро физикаси институти ва Навоий давлат кончилиқ институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.inp.uz](http://www.inp.uz)) ва “Ziynet” Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Курбанов Бахтияр Ибрагимович**

техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:**

**Раджапов Сали Аширович**

физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим

**Ярматов Баҳром Хайдарович**

техника фанлари бўйича PhD, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100214, Тошкент ш., Улуғбек қўрғони, Хуросон кўчаси 1-уй, Ядро физикаси институти. Тел.: (+99871) 289-31-41; факс: (+99871)289-36-65; e-mail: [info@inp.uz](mailto:info@inp.uz))

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборат-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган. Манзил: 100214, Ташкент ш., Улуғбек қўрғони, ЯФИ. Тел.: +99871 289-31-19).

Диссертация автореферати 2022 йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**М.Ю. Ташметов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси ф.-м.ф.д., профессор

**О. Тожибоев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, ф.м.ф. PhD,  
катта илмий ходим

**Э.М. Турсунов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси,  
ф.-м.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ҳозирги вақтда техноген уран ишлаб чиқариш объектларида ва ушбу объектлар атрофидаги аҳоли яшаш пунктларида экологик вазиятни ўрганиш фан ва техниканинг долзарб ҳамда талаб қилинадиган йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ривожланиши ва истиқболлари, экспорт қилинадиган асосий маҳсулот – уранни ишлаб чиқариш, ҳар доим экологик хавф билан боғлиқ бўлган. Кон-металлургия саноатида, ишлаб чиқаришда, одатда, атроф-муҳитга энг кам экологик ва техноген зарар етказадиган технологиялар танланади. Ишлаб чиқаришда атроф-муҳит муҳофазаси учун бир қатор тадбирлар кўриб чиқилади. Аммо уран қазиб олиш ва қайта ишлаш, уран, торий ва уларнинг парчаланиш маҳсулотларининг уран рудаларида мавжудлиги сабабли атроф-муҳитга радиацион таъсир кўринишида техноген таъсир кўрсатади.

Дунёда охириги йилларда уранга бўлган талабнинг ошиши сабабли, Ўзбекистонда уранни қазиб олиш ва қайта ишлаш ҳажми сезиларли даражада ошди, бу мантиқан атроф-муҳитга радиациявий таъсирнинг кўпайишига ва техноген объектлар атрофидаги аҳоли яшаш пунктларида радиация фонининг ошишига олиб келиши мумкин. Йилдан йилга уран ишлаб чиқаришни сезиларли даражада ошириш вазифалари ишлаб чиқарувчиларга фойдали металлларни ажратиб олишнинг самарали, иқтисодий ва экологик тоза технологияларини ишлаб чиқиш, саноат зоналари ва техноген объектларда атроф-муҳитни назорат қилишни таъминлаш вазифасини юклайди. Шу муносабат билан, экологик вазиятни мониторинг қилиш учун мавжуд экспресс, тезкор ва ахборотли усулларини такомиллаштириш, хом ашёлардан оқилона фойдаланиш, уран қазиб олувчи корхоналарнинг атроф-муҳитга техноген таъсирини камайтиришни таъминлаш амалий физика, ядро технологияси ва радиацион экологиянинг долзарб вазифасидир.

Республикамизда мустақиллик йилларида мамлакатнинг экологик барқарорлигига муҳим ҳисса қўшиб, кон-металлургия саноатида экологик назорат бўйича экспериментал тадқиқотларни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Фойдали қазилмаларни ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши, тайёр маҳсулот таннархининг пасайиши ва экспорт қилинадиган маҳсулотнинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши фонида экологик тоза ишлаб чиқаришни таъминлаш бўйича қатор махсус дастурлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> олтин, уран қазиб олиш жараёнларини ва уларнинг экотизимга техноген ҳиссасини бошқариш усулларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш дастурини амалга ошириш вазифалари белгиланган.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947 сон Фармони “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сон “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”, 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификациялашни таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонлари ҳамда ушбу соҳадаги бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқотлари республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. “Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги ва муқобил энергия манбаалари” ва VII. “Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минералларни қайта ишлаш) устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёнинг кўплаб етакчи олимлари, жумладан: европалик (Badawy W.M., Mamikhin S.V., Mccluney W.R., Campos M.J., Penna E., Trindade H., Sachett I.), россиялик (Бахур А.Е., Мануилова Л.И., Бекман И.Н., Шербакова Л.М., Спирин Е.В., Маслов А.А., Пивоваров Ю.П., Соловев Г.С., Сапригин А.В., Рачкова Н.Г., Таскаев А.И., Сахаров Б.К.) ва бошқа мутахассислар томонидан экотизимга уран ишлаб чиқаришнинг техноген таъсирини назорат қилиш учун ядро-физик усулларни ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган. Шу билан бирга, ушбу ишларнинг барчаси турли хил усулларни ишлаб чиқишга, бошқа саноат маҳсулотларини, бошқа кон-металлургия ва атроф-муҳит объектларини ўрганишга бағишланган бўлиб, улар кимёвий таркиби ва тузилишида биз ўрганаётган объектлардан фарқ қилади.

Ўзбекистонлик олимлар (Кулматов Р.А., Мўминов Т.М., Кист А.А., Арипов Г.А., Мухамедов С.М., Саттаров Г.С., Васидов А., Бакиев С.А., Курбанов Б.И. ва бошқ.) уран қазиб олиш учун саноат корхоналари маҳсулотларининг макро ва микроэлементлар таркибини аналитик назорат қилишнинг ядро-физикавий ҳамда бошқа усуллари ишлаб чиққанлар. Экотизимларни назорат қилиш учун ядро-физикавий техникани қўллашда маълум натижаларга эришилган. Ушбу ишланмаларда  $^{238}\text{U}/^{226}\text{Ra}$  ва  $^{238}\text{U}/^{234}\text{U}$  ўртасидаги радиоактив мувозанатнинг бузилиши, уран оксиди маҳсулотидаги  $^{234}\text{U}$  микдорини ошириш, уран изотоплари орасидаги радиоактив мувозанатнинг бузилиш механизмлари тадқиқ этилган. Аммо Ўзбекистондаги уран ишлаб чиқариш билан банд бўлган техноген ҳудудлардаги радиацион экологик муҳит, жумладан, уран чиқиндиларни сақлаш жойлари, уран отвалларидаги радиация қийматларининг локал тақсимооти, техноген ҳудудлардаги ер ости сувларининг сифатини назорат қилиш, техноген ҳудудларнинг аҳоли яшаш пунктларига кўрсатадиган экологик таъсири бўйича тадқиқотлар ва маълумотлар илмий адабиётларда деярли йўқ.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти илмий тадқиқот ишлари режасининг № А-13.113 “Рений ва бошқа қимматбаҳо металлларни олишнинг технологик жараёнини мониторинг қилиш услубини ишлаб чиқиш” (2006-2008) ва Навоий давлат кончилик институтининг ДИТД-7-3.8.3 “Навоий вилоятининг табиий ва техноген шароитларини тадқиқ қилиш ва табиий фанлар талабаларини ўқитишнинг интерфаол усуллари ишлаб чиқиш” (2009-2011) мавзуларидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** уран қазиб олиш ва қайта ишлаш жараёнидаги радиацион омилларнинг таъсири катталикларини баҳолаш ва салбий таъсирларни камайтириш услубларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифаси:**

уран ишлаб чиқариш объектларини радиометрик тадқиқ қилиш, техноген объектлар локал ҳудудларидаги гамма-нурланиш экспозицион доза қуввати (ЭкспДҚ) миқдорларини аниқлаш;

уран ишлаб чиқариш ҳудудлари ер ости сувларида табиий радионуклидлар концентрациясининг тақсимланиши ва уларнинг геохимик ҳаракатланиши қонуниятларини тадқиқ этиш;

уран техноген объектларининг атроф-муҳитга радиацион таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

уран ишлаб чиқариш саноат корхонасининг атроф-муҳитга техноген таъсири катталигини нейтрон-активацион таҳлил усули ёрдамида баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида уран таркибли намуналар, уран кимёвий концентратлари ва оксидлари, технологик эритмалар, саноат оқова сувлари, саноат қаттиқ чиқиндилари, балансдан ташқари рудалар ва уран ишлаб чиқариш жараёни таъсирида бўлган экотизим намуналари (сув, тупроқ, ҳаво) олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** уран ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари ҳудуди ва бу ҳудудларга туташган аҳоли яшаш пунктларининг экологик мониторинги, уран ишлаб чиқариш жараёнидаги радиоэкологик хавфсизлик ва технологик жараёнларнинг радиоэкологик жиҳатлари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари:** нейтрон-активацион таҳлил усули, рентгенофлуоресцент усул, радиометрия усули, альфа- ва гамма-спектрометрия, шунингдек, замонавий компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда математик-статистика натижаларининг корреляцион таҳлил усули.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Навоий кон-металлургия комбинатининг уран уюмлари, уран чиқиндилари омбори ва уранни ер остида танлаб эритиш майдонлари тупроқлари намуналаридаги  $^{238}\text{U}$ ,  $^{232}\text{Th}$ ,  $^{226}\text{Ra}$ ,  $^{40}\text{K}$  табиий радионуклидларнинг локал тарқалиш концентрациялари қийматлари ушбу техноген ҳудудларда  $^{238}\text{U}$  бўйича 59,8-93,2 Бк/кг,  $^{232}\text{Th}$  бўйича 136-264 Бк/кг,

$^{226}\text{Ra}$  бўйича 556-983 Бк/кг,  $^{40}\text{K}$  бўйича 830-1200 Бк/кг оралиқларда аниқланган;

гамма-нурланиш экспозицион доза қуввати қийматларининг маҳаллий сирт тақсимоти параметрларини тезкор баҳолаш учун самарали ҳисоблаш ЭҲМ дастури ишлаб чиқилган ва унинг ёрдамида илк бор техноген ҳудудларнинг кузатув нукталарида – Учқудуқда -0,43 мкЗв/соат, Зафарободда -0,24мкЗв/соат, Навоий шаҳрида (ГМЗ-1) -0,16 мкЗв/соат экспозицион доза қуввати аниқланган;

уран ишлаб чиқариш ҳудудларининг ер ости сувларида ҳосилавий  $^{222}\text{Rn}$  радионуклиди ҳажмий активлиги ва она ядро  $^{226}\text{Ra}$  радионуклиди ҳажмий активлиги орасидаги боғланиш бузилган ҳолатлар кузатиладиган техноген ҳудудлар илк бор аниқланган ҳамда шу ҳудудлардаги ер ости сувларида радионуклидларнинг ҳажмий активликлари тажриба йўли билан топилган: Учқудуқ –  $^{226}\text{Ra}$ -55Бк/л,  $^{222}\text{Rn}$ -213Бк/л, Нурбулоқ –  $^{226}\text{Ra}$ -16Бк/л,  $^{222}\text{Rn}$ -130Бк/л, Қарнаб –  $^{226}\text{Ra}$ -23Бк/л,  $^{222}\text{Rn}$ -115Бк/л, Зафаробод –  $^{226}\text{Ra}$ -11Бк/л,  $^{222}\text{Rn}$ -230Бк/л, Шуробод –  $^{226}\text{Ra}$ -282Бк/л,  $^{222}\text{Rn}$ -74Бк/л, Нуробод –  $^{226}\text{Ra}$ -381Бк/л,  $^{222}\text{Rn}$ -120Бк/л, № 9 Жанубий қудуқ –  $^{226}\text{Ra}$ -124Бк/л,  $^{222}\text{Rn}$ -516Бк/л;

илк бор Навоий кон-металлургия комбинатининг уран ишлаб чиқариш техноген ҳудудларидаги ҳар хил кимёвий таркибли ер ости сувлари учун  $^{222}\text{Rn}$  радионуклиди дегазациясининг рухсат этилган санитар меъёри 60 Бк/л гача тушадиган оптимал вақт қийматлари 8-14 соат оралиғида эканлиги тажрибада аниқланган;

илк бор Навоий кон-металлургия комбинатида ишлаб чиқарилган уран маҳсулотларини сақлаш жойлари атмосфера ҳавосида  $^{222}\text{Rn}$  радионуклиди аралашган аэрозолларнинг экспозицион доза қуввати 3000 мкЗв/соатдан 300 мкЗв/соатгача ва радоннинг мувозанатли ҳажмий активлиги 250 Бк/м<sup>3</sup> дан 15 Бк/м<sup>3</sup> гача камайишини таъминлаш учун контейнерларни улар орасидаги масофани 15 см, ердан баландлигини 1 метргача кўтарилган ҳолатда жойлаштириш кераклиги асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

уран ишлаб чиқариш жараёнида атроф-муҳитга таъсир этувчи радиоактив омиллари баҳоланган ва бу жараёнларнинг атроф-муҳитга техноген таъсирини минималлаштириш бўйича амалий тавсиялар берилган;

уран ишлаб чиқарувчи корхоналарда радиацион ифлосланиш катталиклари ва бу катталикларнинг келажақда атроф-муҳитга техноген таъсирини башорат (прогноз) қилиш учун саноат оқова сувлари ва ер ости сувларида радионуклидларнинг тарқалиши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** замонавий давлат стандартидан ўтказилган усуллар ва юқори сезгирликдаги ўлчаш асбобларидан фойдаланиш, ишлаб чиқилган услубиятларни халқаро стандарт намуналари маълумотлари билан қиёсий таҳлил қилиш, параллел таҳлиллار ва турли тадқиқотчилар ҳамда лабораторияларда олинган маълумотлар билан таққослаш йўли билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти уран ишлаб чиқариш техноген ҳудудларида

зарарли радиоактив моддаларнинг атроф-муҳитга таъсир кўрсатувчи омилларини баҳолашдан, теварак-атрофидаги ҳудудни техноген элементлар билан ифлосланиш механизми ва шакллари аниқлашдан ҳамда уран ишлаб чиқариш техноген ҳудудларни экологик мониторинг қилиш ва маълумотлар олишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тўғридан-тўғри уран қазиб олиш ва қайта ишлашнинг табиий шароитида табиий ҳамда техноген радионуклидлар ва бир қатор элементларнинг таркибини аниқлаш, чиқиндилар ва ер ости сувларида радионуклидларнинг пайдо бўлиш шакли ҳамда кўчиб ўтиш шароитларини аниқлаш ва қўллашдан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Уран ишлаб чиқариш техноген объектларининг экологик мониторинги бўйича олинган натижалар асосида:

Навоий кон-металлургия комбинатининг уран маъданлари, уран чиқиндихоналари ва уранни ер остида танлаб эритиш майдонлари, тупроқ намуналаридаги уран табиий емирилиш занжиридаги радионуклидлар локал тарқалиш концентрацияларини аниқлаш натижалари кон-металлургия комбинатининг Марказий илмий тадқиқот лабораториясида амалиётга тадбиқ қилинган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2022 йил 28 апрелдаги № 23-01-07/326-сон маълумотномаси). Натижаларни тадбиқ этиш ушбу объектлардаги радионуклидларнинг маълумотлар базасини яратишга имкон берган;

гамма-нурланиш экспозицион доза қуввати қийматларининг маҳаллий сирт тақсимооти параметрларини ҳисоблаш бўйича ишлаб чиқилган дастур Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк Агентлигида рўйхатдан ўтказилган (Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк Агентлигининг ЭХМ дастурини расмий қайд этиш тўғрисидаги Гувоҳномаси № DGU 09817. 23.12.2020й.). Ишланманинг қўлланилиши уран отваллари, ГМЗ-1 уран чиқиндилари омбори ва уранни ер остида танлаб эритиш майдонларида гамма-нурланиш экспозицион доза қуввати қийматларининг маҳаллий сирт тақсимооти параметрларини аниқлаш имконини берган;

НКМК уран ишлаб чиқариш техноген ҳудудлари ер ости сувларида ҳосилавий  $^{222}\text{Rn}$  радионуклиди миқдори ва она ядро  $^{226}\text{Ra}$  радионуклиди миқдори орасидаги боғланиш қонуниятлари, радон дегазацияси вақтининг оптимал қийматлари ва сув танқис чўл ҳудудларида юқори радиация кўрсаткичига эга бўлган ер ости сувларидан хавфсиз фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Навоий КМКнинг Марказий илмий тадқиқот лабораториясида амалиётга тадбиқ этилган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2022 йил 28 апрелдаги № 23-01-07/326-сон маълумотномаси). Натижада Навоий вилоятининг сув танқис чўл ҳудудларида ер ости сувларидан хавфсиз фойдаланиш имконияти асослаб берилган;

омборхона ҳавосида аниқланган  $^{222}\text{Rn}$  радионуклиди йиғилиш даражасини ва омборхона ҳавосида  $^{222}\text{Rn}$  йиғилишини олдини олиш учун уран тайёр маҳсулотлари контейнерларини жойлаштириш бўйича аниқланган самарали геометрияси Навоий КМКда амалиётга тадбиқ этилган (Навоий

кон-металлургия комбинатининг 2022 йил 28 апрелдаги № 23-01-07/326-сон маълумотномаси). Натижада тайёр уран маҳсулотларини сақлаш омборларида радионуклид аэрозолларининг экспозицион доза қувватини камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг асосий натижалари 16 та халқаро ва республика анжуманларида маъруза қилинган ҳамда муҳокама этилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 1та ЎзР Интеллектуал мулк агентлиги томонидан қайд этилган компьютер дастурий маҳсулотлари гувоҳномаси, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда – 3 та мақола, улардан 1 таси хорижий журналларда.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш қисми, тўртта боб, хулоса, нашр этилган илмий ишлар рўйхати, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий ҳажми 126 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** тадқиқотнинг долзарблиги, зарурати, мақсади ва тадқиқот усуллари, тадқиқот объектлари, тадқиқот предмети, Республикадаги фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва тадқиқотнинг амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқотнинг амалиётга тадбиқи, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Кон-металлургия корхоналари техноген объектларини экологик мониторинг қилишнинг замонавий усуллари”** деб номланган биринчи бобида радиацион ифлосланган ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг экотизимга техноген таъсирлари катталикларини баҳолашнинг аналитик, радиокимёвий, ядро-кимёвий ва радиоэкологик таҳлил усуллариининг умумий классификацияси ва ҳолати кўриб чиқилган.

Радиометрик таҳлил усулининг назарий асослари,  $\alpha$ ,  $\beta$  ва  $\gamma$  - спектрометрик таҳлилларни олиб бориш босқичлари, ҳар хил кимёвий, физик-кимёвий ва ядро-кимёвий усуллариининг афзалликлари ва камчиликлари батафсил таърифланган ҳамда келтирилган. Адабиётларда берилган маълумотлар асосида ҳар хил кимёвий, радиокимёвий ва ядро-кимёвий таҳлил усулининг қўлланилиши даражаси баҳоланган.

Диссертациянинг **“Уран қазиб олиш техноген объектларига яқин ҳудудларда табиий радионуклидларнинг тарқалишини тадқиқ қилиш”** деб номланган иккинчи бобида НКМК ишлаб чиқариш объектларини радиоэкологик назорат қилишга бағишланган тадқиқот ишларининг натижалари келтирилган. Тадқиқот ишлари НКМКнинг барча бўлинмаларида

атроф-муҳит ҳолатини кузатиш бўйича доимий иш олиб бориладиган “Ўзстандарт” Агентлиги томонидан техник ваколат учун аккредитация қилинган махсус лабораторияларда ўтказилган. Тупроқдан намуна олиш билан уран ишлаб чиқариш майдонидан ер юзидаги табиий ва техноген радионуклидларнинг эквивалент дозаси ер юзасидан 0,5 м гача чуқурликда ўлчанди. Уран қазиб олиш бўйича саноат корхоналари фаолият кўрсатадиган турли шаҳарлар (Навоий, Зафаробод, Учқудук) ҳудудларидан олинган тупроқ намуналаридаги табиий радионуклидларнинг активлигини ўлчаш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

#### 1-жадвал

#### Тупроқ намуналарида табиий радионуклидларнинг солиштирма активлигини ва эффектив солиштирма активлигини аниқлаш натижалари

| №<br>Т/р | Тупроқдаги солиштирма активлик, Бк/кг |           |           |                  | Тупроқнинг солиштирма<br>алфа-активлиги, Бк/кг |
|----------|---------------------------------------|-----------|-----------|------------------|------------------------------------------------|
|          | Калий-40                              | Радий-226 | Торий-232 | A <sub>эфф</sub> |                                                |
| 1        | 1223                                  | 321       | 33        | 372              | 1210                                           |
| 3        | 1096                                  | 99        | 15        | 217              | 1100                                           |
| 4        | 861                                   | 245       | 22        | 351              | 987                                            |
| 5        | 761                                   | 339       | 21        | 435              | 918                                            |
| 6        | 864                                   | 473       | 17        | 573              | 899                                            |
| 7        | 872                                   | 369       | 31        | 401              | 987                                            |
| 8        | 902                                   | 215       | 13        | 313              | 972                                            |
| 9        | 1003                                  | 166       | 17        | 279              | 765                                            |
| 10       | 1382                                  | 465       | 39        | 640              | 1400                                           |
| 11       | 1386                                  | 57        | 30        | 221              | 811                                            |
| 12       | 1252                                  | 36        | 29        | 187              | 565                                            |

Тупроқдаги альфа-нурланишнинг умумий радиоактивлигини мунтазам равишда таҳлил қилиш уран қазиб оладиган саноат корхоналарининг атроф-муҳитга антропоген таъсирини аниқлашга имкон беради. Олинган натижалардан (1-жадвал) кўриниб турибдики,  $^{40}\text{K}$  учун радиоактивликнинг қийматлари – 761-1386 Бк/кг оралиғида,  $^{232}\text{Th}$  учун қийматлар – 13-33 Бк/кг оралиғида ва  $^{226}\text{Ra}$  учун қийматлар – 36-476 Бк/кг оралиғида. Ушбу тупроқ намуналарида эффектив активлик – 187-640 Бк/кг оралиғида. Альфа нурланишининг умумий активлиги қиймати – 576-1400 Бк/кг оралиғида.


Ичимлик, оқава ва ер ости сувларида U, Ra, Po, Th концентрациялари махсус усул, Rn – эманация усули ва UMF-2000 қурилмасидаги умумий альфа ва бета активлиги билан ўрганилди ҳамда аниқланди. Сув намуналаридаги радионуклидларнинг гамма-нурланиш дозаси қуввати турли масофаларда тўғридан-тўғри “ДКС-96” асбоби ёрдамида ўлчанди, уранли рудаларнинг турли хил чуқурликларидан чиқаётган радон оқими зичлиги қийматлари “Альфарад” асбобида ўлчанди.  $^{40}\text{K}$ ,  $^{226}\text{Ra}$ ,  $^{232}\text{Th}$  радионуклидларининг активлигини ўлчаш учун қаттиқ майдаланган намуна

“Маринелли” идишига солинади ва уни детектор устига жойлаштирилади. Активлик ўлчаб бўлингач (30дақиқа) дастур активлик қийматини ва ушбу радионуклидлар активлигининг абсолют статистик хатолигини экранга чиқаради.

Бундан ташқари уран ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритадиган ҳудудларнинг 20 дан ортиқ нуқталарда турли хил масофаларда гамма-нурланиш дозаси қуввати ўлчанди ва уларнинг радиацион ҳолатга кўрсатадиган таъсири ўрганилди. 1-расмда гамма-нурланиш экспозицион доза қувватининг (ЭкспДҚ) нурланиш манбаидан узоқлик масофаси бўйлаб тақсимланиш графиги кўрсатилган.

Графиклардан, уран ишлаб чиқариш корхонасидан 2500 м масофада ЭкспДҚ нинг қиймати фон миқдоригача ( $0.12 \text{ мкЗв/соат}$ ) камайишини кўриш мумкин. Радиоактив моддалар чиқиндихоналарида эса 2500 м масофада ЭкспДҚнинг қиймати маълум қийматгача ( $0.16 \text{ мкЗв/соат}$ ) камайишини, лекин фон даражасигача тушмаслигини кузатиш мумкин.

Ушбу факт уран чиқиндихоналарининг радиацион фонга таъсири уран ишлаб чиқариш корхоналариникидан кўпроқ эканлигини тасдиқлайди.




1- ЭкспДҚ нинг урани қайта ишлаш заводидаги натижалар, 2- ЭкспДҚ нинг техноген чиқиндихонадаги натижалар

### 1-расм. Гамма-нурланиш экспозицион доза қуввати қийматининг уран ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритадиган ҳудудларнинг ўлчаш нуқталари бўйича тақсимланиши

Уран ишлаб чиқариш корхоналари ва радиоактив моддалар чиқиндихоналаридан ташқари, ҳудудда балансдан ташқари уран отваллари ва урани ер остида танлаб эритиш участкалари мажуд. Ушбу объектларда аниқланган маълумотлар бўйича радиацион ҳолат янада мураккаброқ кўринади (2-расм). Бу жойларда радиацион фон нафақат гамма-нурланиш ЭкспДҚ қийматига боғлиқ, балки объектларнинг баландлигига ҳамда уларнинг географик жойлашувига ҳам боғлиқ. 2-расмдан кўринадики,

нурланиш ЭкспДҚ қийматлари уран отвалларида ва уранни ер остида танлаб эритиш участкаларида уран ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда уран чиқиндихоналаридаги ҳолатдан фарқ қилади. Отвалларнинг баландлиги радиация таъсирини узоқ масофагача етиб боришига сабаб бўлади. Уранни ер остида танлаб эритиш участкаларида 2500 м масофада ЭкспДҚнинг қиймати 0,24мкЗв/соатни ташкил этса (2-расм, 1-чизик), уран отвалларида бу қиймат 0,43мкЗв/соат ни ташкил этади (2-расм, 2-чизик).



1- ЭкспДҚ нинг уранни ер ости танлаб эритиш майдонларидаги натижалар,  
2- ЭкспДҚ нинг уран отвалидаги натижалар

## 2-расм. Гамма-нурланиш экспозицион доза қуввати қийматининг уран ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритадиган ҳудудларнинг ўлчаш нуқталари бўйича тақсимланиши

Ушбу маълумотлар персонал ва аҳоли учун йиллик эффектив доза миқдорини ҳисоблашга ва гамма-нурланишнинг зарарли таъсиридан ҳимояланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга имкон беради.


Уран ишлаб чиқариш корхоналари омборлари ҳавосида уран занжиридаги парчаланиш маҳсулотлари, жумладан, радон концентрацияси катта миқдорда йиғилиши аниқланди. Ёпиқ хоналарда  $^{222}\text{Rn}$  аэрозоллар катта концентрацияда бўлиши ўлчаб топилди. Ёпиқ ва ярим очик хоналарда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, уран маҳсулотлари сақланадиган хоналар ёпилган вақтидан бошлаб очилгунигача ўтган вақт оралиғи қанча катта бўлса, ушбу хонада радоннинг миқдори шунча катта бўлар экан. Ушбу фактни ҳисобга олган ҳолда биз уран маҳсулотларини ярим ёпиладиган хоналарда сақлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқдик. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида ушбу аэрозолларни камайитиришга имкон берадиган контейнерларни жойлаштириш геометрияси асослаб берилди. 2-жадвалда ва 3-расмда тасвирланган 2 турдаги: ёпиқ ва ярим очик хоналарда уран маҳсулотларини сақлашдаги экспозицион доза қуввати ҳамда радоннинг

ЭМХА қийматларини вақт бўйича ўлчаш маълумотлари келтирилган. Ярим очик хоналар санитар меъёрлар талабига тўлиқ жавоб беради.

## 2-жадвал

### Уран тайёр маҳсулотларини сақлаш омборхоналаридаги ЭкспДҚ ва РЭМХА қийматлари

| № | Ёпиқ бинолардаги кўрсаткич | ЭкспДҚ (мкЗв/соат) | РЭМХА (Бк/м <sup>3</sup> ) | № | Ярим очик бинолардаги кўрсаткич | ЭкспДҚ (мкЗв/соат) | РЭМХА (Бк/м <sup>3</sup> ) |
|---|----------------------------|--------------------|----------------------------|---|---------------------------------|--------------------|----------------------------|
| 1 | 0                          | 2500-3000          | 200-300                    | 1 | 0                               | 200-300            | 10-15                      |
| 2 | 1 соатдан кейин            | 1500-2000          | 50-100                     | 2 | 1 соатдан кейин                 | 200-300            | 10-15                      |
| 3 | 2 соатдан кейин            | 500-1000           | 25-50                      | 3 | 2 соатдан кейин                 | 200-300            | 10-15                      |
| 4 | 3 соатдан кейин            | 200-500            | 10-15                      | 4 | 3 соатдан кейин                 | 200-300            | 10-15                      |



### 3-расм. Уран маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган 1-ёпиқ ва 2-ярим очик турдаги хоналар

Олинган натижалар асосида ходимлар ва аҳоли учун йиллик техноген эффектив доза ҳисобланди. Юқоридаги ўлчовлардан ташқари, уран қазиб олувчи корхоналар фаолияти билан боғлиқ ва радиоэкологик барқарорлик ҳамда атроф-муҳит тозалигига сезиларли таъсир кўрсатадиган радиоэкологик омилларнинг миқдорини мунтазам равишда аниқлаш муҳим рол ўйнайди.

Диссертациянинг “Кон-металлургия корхоналари техноген таъсирида бўлган табиий ресурслар ва атроф-муҳит ҳолатининг экологик мониторинги” деб номланган учинчи бобида ҳудуднинг радиацион фони муҳитдаги табиий радионуклидлар миқдорини аниқлаш орқали баҳоланади. Радиация миқдорининг қиймати маълум бир объектнинг ифлосланиш даражасини кўрсатади.

Экологик объектлар ва уран ишлаб чиқариш техноген объектлари намуналарида уран <sup>238</sup>U табиий емирилиш занжири радионуклидлари бўлган,

$^{232}\text{Th}$ ,  $^{226}\text{Ra}$  ва  $^{222}\text{Rn}$ , ҳамда  $^{40}\text{K}$  ва  $^{137}\text{Cs}$  миқдорини гамма-спектрометрик усулда ўлчаш учун шу табиий радионуклидлар чиқарадиган гамма-нурланишни қайд қилишга асосланган услубият қўлланилди. Экологик объектлар ва уран ишлаб чиқариш техноген объектларидан олинган намуналарни гамма-спектрометрик ўлчаш “PROGRESS-GAMMA” асбобида амалга оширилди. Олинган натижалар асосида ҳудудларнинг радиацион ҳолати реал баҳоланди ва уран ишлаб чиқариш корхонасининг ҳудуд радиацион ҳолатига таъсир катталиги экологик мониторинг қилинди. 3-жадвалда экологик объектлар ва уран ишлаб чиқариш техноген объектларидан олинган намуналарда аниқланган уран табиий емирилиш занжири радионуклидларини аниқлаш натижалари келтирилган.

**3-жадвал**

**Экологик объектлар ва уран ишлаб чиқариш техноген объектларидан олинган намуналарда аниқланган уран табиий емирилиш занжири радионуклидлари**

| T/r                                           | $\text{U} (^{238}\text{U}, ^{234}\text{U}),$<br>(Бк/кг) | $^{40}\text{K},$<br>(Бк/кг) | $^{226}\text{Ra},$<br>(Бк/кг) | $^{232}\text{Th},$<br>(Бк/кг) | Табиий<br>радионуклидларнинг<br>солиштира эффектив<br>активлиги қиймати –<br>$A_{\text{эфф}},$<br>(Бк/кг) | $^{137}\text{Cs},$<br>(Бк/кг) |
|-----------------------------------------------|---------------------------------------------------------|-----------------------------|-------------------------------|-------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------|
| <b>Экологик кузатув объектлари</b>            |                                                         |                             |                               |                               |                                                                                                           |                               |
| 1                                             | 25,7                                                    | 350                         | 25                            | 32                            | 98                                                                                                        | 10                            |
| 2                                             | 33,8                                                    | 410                         | 28                            | 41                            | 118                                                                                                       | 16                            |
| 3                                             | 42,1                                                    | 425                         | 30                            | 36                            | 115                                                                                                       | 15                            |
| 4                                             | 29,3                                                    | 540                         | 27                            | 28                            | 112                                                                                                       | 13                            |
| 5                                             | 47,9                                                    | 498                         | 35                            | 43                            | 136                                                                                                       | 19                            |
| 6                                             | 37,5                                                    | 395                         | 29                            | 40                            | 117                                                                                                       | 16                            |
| 7                                             | 21,4                                                    | 420                         | 26                            | 37                            | 112                                                                                                       | 12                            |
| 8                                             | 23,2                                                    | 532                         | 24                            | 36                            | 119                                                                                                       | 18                            |
| 9                                             | 52,3                                                    | 598                         | 39                            | 46                            | 153                                                                                                       | 20                            |
| 10                                            | 39,0                                                    | 478                         | 31                            | 38                            | 123                                                                                                       | 19                            |
| <b>Уран ишлаб чиқариш техноген объектлари</b> |                                                         |                             |                               |                               |                                                                                                           |                               |
| 11                                            | 77,5                                                    | 962                         | 647                           | 198                           | 991                                                                                                       | 48                            |
| 12                                            | 82,4                                                    | 1056                        | 852                           | 210                           | 1220                                                                                                      | 52                            |
| 13                                            | 93,2                                                    | 1200                        | 983                           | 264                           | 1434                                                                                                      | 56                            |
| 14                                            | 61,3                                                    | 859                         | 556                           | 136                           | 810                                                                                                       | 36                            |
| 15                                            | 59,8                                                    | 830                         | 602                           | 153                           | 876                                                                                                       | 39                            |

Олинган натижалар асосида уран ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳудуд радиоэкологик ҳолатига таъсирининг катталиклари Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган СанМ ва Қ № 0193-06 санитар меъёрлари ва қоидаларига мос келиши аниқланди.

4-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, радиация билан ифлосланган саноат корхоналарида ишлайдиган ходимлар учун олинган

йиллик эффектив дозалар белгиланган меъёр – 20 мЗв/йилдан ошмайди, аҳоли пунктларидаги йиллик эффектив дозалар эса белгиланган меъёр – 1 мЗв/йил дан ошмайди.

#### 4-жадвал

#### Саноат объектлари ва аҳоли пунктларидаги кузатув нукталарида дозиметрик ўлчашлар натижалари

| Худудлар<br>номи | Намуна<br>олиш сони,<br>дона | ЭДҚ,<br>мЗв/йил    |      | УЯАН<br>мБк/мЗ |      | РМҲА<br>Бк/мЗ |      | Йиллик<br>эффектив доза,<br>мЗв/йил |
|------------------|------------------------------|--------------------|------|----------------|------|---------------|------|-------------------------------------|
|                  |                              | Қийматлар чегараси |      |                |      |               |      |                                     |
|                  |                              | мин                | мак  | мин            | мак  | мин           | мак  |                                     |
| Нуробод          | 17*                          | 1,9                | 6,7  | 2,2            | 3,8  | 1,2           | 15   | 1,7-8,5                             |
|                  | 22**                         | 0,15               | 0,19 | 0,18           | 0,53 | 0,14          | 0,28 | 0,16-0,33                           |
| Кетменчи         | 19*                          | 1,8                | 6,4  | 2,1            | 2,8  | 4             | 18   | 2,63-9,07                           |
|                  | 28**                         | 0,13               | 0,18 | 0,15           | 0,4  | 0,2           | 0,5  | 0,16-0,36                           |
| Зафаробод        | 11*                          | 1,6                | 3,6  | 1,2            | 2,4  | 4             | 14   | 1,3-5,36                            |
|                  | 20**                         | 0,12               | 0,17 | 0,14           | 0,4  | 0,3           | 0,7  | 0,24-0,53                           |
| Шеробод          | 12*                          | 1,8                | 6,3  | 3,2            | 4,4  | 4.0           | 23   | 1,43-6,34                           |
|                  | 23**                         | 0,11               | 0,15 | 0,16           | 0,7  | 0,3           | 0,6  | 0,33-0,69                           |
| Учкудук          | 18*                          | 1,6                | 5,6  | 2,2            | 3,7  | 5             | 23   | 1,42-6,31                           |
|                  | 26**                         | 0,12               | 0,19 | 0,17           | 0,6  | 0,3           | 0,6  | 0,21-0,58                           |


Изоҳ:\* Саноат объектларидаги намуна олиш нукталари, \*\* аҳоли турар-жойларида намуна олиш нукталари.

